



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№1 (83) 2.01.2020 йил

Қутлов



Янги – йилингиз қутлуғ бўлсин!

Барчангизни яқинлашиб келаётган Янги 2020 йил, тараққиёт, умид, улғайиш байрами билан чин дилдан табриклайман! Соҳамизда амалга оширилган улкан ва муҳим ишлар, меҳнатларингиз учун барчангиздан миннатдорман.

Гувоҳи бўлганингиздек, 2019 йилда юртимиз бой ижодий ҳаёт кечирди. Маданият ва санъат жонкуярлари республикамиз аҳолисини ёрқин премьералар, ижодий кашфиётлар ҳамда йирик маданий лойиҳалар билан таништирди, уларни тажрибалар билан бойитди ва қўлга киритган муваффақиятлари билан қувонтирди.

Юртимиз маданиятини бутун дунёга танитиш баробарида республикамизнинг турли вилоят, туман, шаҳарлари, шунингдек, қўшни ва узоқ хоридан келган меҳмонларни қабул қилдик. Бу билан Ўзбекистон йирик халқаро маданий форум-

лар, фестиваллар учун муносиб гўша эканини ҳақли равишда исботладик.

Ўтган йил давомида санъаткорлар ва маданият ходимлари республикамизнинг энг чекка туманларига бориб, халқимизга қувонч улашиб, ёшларга маҳорат дарслари ўтиб келишди. Шунингдек, хорижий давлатларда гастроль сафарларида бўлиб, элимизнинг неча йиллик маданияти, анъаналари, истеъдод ва ижодкорлигини намойиш этиб қайтишди.

Йиллар ўтиб бормоқда, аммо бу жамиятимизнинг мустақкам асосларидан бири бўлган ва бўлиб келган маданиятга бағишланган умрининг бошланишидир. Келаётган йил, умид қиламанки, янадан янги ғоялар, янги тадбирлар ва ижодий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини бериши билан аҳамияти бўлади. Миллий маданиятимизнинг муҳим омиллари саналган болалар мусиқа ва санъ-

ат мактаблари, музей ва кутубхона ишларини ривожлантириш, профессионал санъат ва ижодкорлик, маданият соҳасидаги таълим, шубҳасиз, энг муҳим қиладиган ишларимиз. Бундан ташқари, 2020 йилда Хива ва Бухоро сингари тарихий шаҳарларимизнинг бутун дунё томонидан маданият пойтахтлари дея тан олинishi зиммамизга янада каттароқ масъулият юклайди.

Азиз ҳамкасблар! 2020 йил барчамиз учун янги истиқболлар, энг эзгу орзулар рўёби, янги қизиқарли лойиҳалар, халқаро миқёсдаги дўстона учрашувлар йили бўлишига тилакдошман.

Юртимиз тинч ва фаровон бўлсин! Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт, касбий муваффақият, некбинлик ва илҳом тилайман!

Бахтиёр Сайфуллаев,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

Ушбу сонда

Муштарақ орзулар рўёби



2-саҳифада >>

Қорбобога хат



3-саҳифада >>

Бухоро 2020 йилда – Ислом олами маданияти пойтахти



4-саҳифада >>



Янги йил табриги

Фатхулла Масудов, Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист



Тарихимиз зарварақларига буюқ ўзгаришлар, бунёдкорлик йили сифатида битилажак қадрдон 2019 йилимиз ҳам поёнига етди. Улкамизга қутлуғ қадамлар билан кириб келган янги – 2020 йилни, шукрки, ёруғ юз билан қутиб олмақдамиз. Халқимиз кўз ўнгида рўй бераётган ҳар бир ўзгариш, юксалишда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунман. Зеро, элимизнинг ҳар қандай байрами, тўй ва томошаларида биргамиз. Қутлуғ янги йил шодиёналари, Ватан ҳимоячилари кунни, Хотин-қизлар

байрами, айниқса, Наврўзи олам, “Болажонларни ҳимоя қилиш кунни”, Истиқлол айёми, Ватан тимсоллари, Конституция кунлари олдида ўтказиладиган тадбирларда қатнашамиз. Бу йилги муҳим сиёсий воқеа – “Сайлов – 2019” жараёнларида ҳам фаол иштирок этдик. Қолаверса, халқимизга манзур бўладиган спектакллари қайта саҳналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этдик. Жумладан, “Алишер Навоий”, “Мирзо Улуғбек”, “Абай”, “Чимилдиқ”, “Кўнгиш”, “Имон” каби саҳна асарлари ҳеч ким-

ни бепарқ қолдирмади. Айниқса, янги саҳналаштирилган Назар Эшонқуловнинг “Жалолiddин Манғуберди” асарини томошабинлар яхши кутиб олишди.

Бу борада Ўзбекистон маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг амалий ёрдами, қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу йил саҳнаимизда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби қўшни давлат санъаткорларининг чиқишлари ўтказилди. Келгусида шундай дўстона алоқаларни давом эттириш ниятида-

миз. Бундан ташқари яна бешта янги спектаклни қўйишни режалаштирганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимни, барча юртдошларимизни кириб келаётган энг чиройли, энг омадли йил бўладиган 2020 йил билан табриклайман. Ҳамманинг хонадонидан соғлиқ, тинчлик, қут-барақа, маъмурчилик ари-масин! Маданиятимиз, санъатимиз гуллаб-яшнасин! Доимо эзгу тилақларингиз рўёбини кўриб юринг, азизлар!

Донопар сўзлайди... ! Узини катта тутмайдиган киши, ўзи уйлаганига қарагандан яхшидир. (Гёте) Яхши кексапар бўлмаган ерда, яхши ёшлар ҳам бўлмайди. (Адигей мақоли) Яхши нарса – янгиси, яхши дўст – эскиси (Мақол) Яхши муомала яхши дўстларни пайдо қилади. (Роберт Фрост)

Сирли байрам

Бизнинг Қорбобо



Янги йил байрамининг ўзига хос жозиба-си бор. Болалар уни сабрсизлик билан кутишади: кеча арчаси, совгалар, Қорбобо ва Қорқиз, ўйин-кулги, унга қишки таътилнинг уланиши. Самарқанд шаҳридаги 5-маданият маркази ҳам анъанавий равишда шаҳар аҳолиси учун байрам тадбирларини ташкиллаштиради. Эшитиш қобилияти паст болалар учун 61-мактаб-интернатда «Бизнинг Санта Клаус» мусиқий ва театрлаштирилган томошаси ўтказилди. Тад-

бирни ташкил этишда вилоят кар-соқовлар жа-мияти раиси Истамқул Облакқулов, 7-маданият маркази директори Неъмат Қурбоновлар бош-қош бўлишди. Уни мактаб-интернат директори Гулнора Эргашева очиб берди.

Дастурда «Бурагино» болалар кўғирчоқ жа-моаси иштирокчилари, Самарқанд шаҳридаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг 7»В»-синф ўқувчилари қатнашишди. Эртақ қаҳрамонлари кеча бошиданок томошабинларни сехрли олам-

га олиб кирдилар. Болалар Ялмоғиз кампир, қуён, тулки, бўри, айқ ва, албатта, байрам қаҳрамонлари Қорбобо ҳамда Қорқиз билан уч-рашишди. Байрам томошаси марказ вокалчиси Шерзод Турсунов ижросидаги куй-кўшиқлар билан якунланди.

Шу кунларда маданият маркази ижодий жамоаси Янги йил учрашувларини шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам ўтказмоқда.

Очил Жуманазаров

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги

Муштарак орзулар рўёби

Халқимизнинг элим деб, юртим деб ёниб яша-ган, яшайтган фарзандлари борки, миллат шаъни юксакларда нур сочаверади. Ўзбек романчилигининг тамал тошини қўйган Абдулла Қодирий бо-бомиз шундай сўнмас қалб эгаси эди. Унинг халқ бахту саодати, ёруғ келажаги ҳақидаги эзгу орзу-лари, ўз таъбири билан айтганда, «жасорат биттан, тил кесилган», «дард кўп, давоси йўқ» пайтларда гўёки бир ширин туш эди.

Аммо кейинчалик ҳам унинг асарларига ёвқараш қиладиганлар кўп эди. Уни холислик билан қадрлайдиганлар эса дилидагини тилига чиқаришдан ҳайиқарди. Шукрки, ёзувчи ор-зу қилганидек, дориломон кунлар келди. Лекин буюк адибнинг буюклиги сўнгги йиллардагина ҳақиқий чехрасини кўрсатди. Мухтарам Прези-дентимиз кўрсатмалари асосида пойтахтимиз-нинг эски шаҳар ҳудудида қад ростлаган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғидаги адибнинг улуғвор ҳайкали, ёзувчи номидаги ижод мактабининг ташкил этили-ши ҳамда машҳур Турон кутубхонасининг шу ҳудудда қўним топиши барчани қувонтирди. Шунингдек, «Самарқанд дарвоза» маҳалласидаги узоқ йиллардан бери таъмирталаб бўлиб қолган Абдулла Қодирий яшаган хонадоннинг гўзал ва обод маскан – уй музейига айлантирилиши дав-латимиз томонидан адабиёт, маънавият ва мада-ниятни юксалтиришга қаратилган катта эътибор намунаси бўлди.

Бу каби масканларни юртбошимизнинг ўзлари бориб кўргани, яна керакли тавсияларини берга-ни ҳам эртанги кун учун ёнган юрак оташидан эмасмикан?!

27 декабрь куни эса Ўзбекистон ёзувчилар

уюммаси ва Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳамкорлигида Абдулла Қодирий уй-музейининг очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда ишти-рок этган адабиётшунос, қодирийшунос олим-лар, маданият ва санъатимиз вакиллари, таълим ва фан, оммавий ахборот воситалари ходимлари обод ва чарогон хонадон ҳовлисида кўр тўкиб турган буюк адиб ҳайкалига таъзим қилиб, унинг пойига гуллар қўйишди. Бир мuddат ўша машҳур болахонали ижодхонасидан улуг адиб-нинг сиймоси кўрингандек бўлди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси раиси Си-рождидин Сайид йиғилганларни ушбу тарихий воқеа билан қутлар экан, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султоновга сўз берди.

Давлат маслаҳатчиси ўзига хос адабиёт, маъ-навият байрамига айланган бугунги шукуҳли кун юртбошимизнинг соҳага қаратаётган катта эътибори, ижод аҳлига бўлган меҳр-муҳаббати натижаси эканини таъкидлади. Жуда қисқа умри давомида асрларга татигушли мерос қолдирган Қодирий бобомизнинг нафақат ноёб истеъдоди, балки инсоний фазилатлари, миллат жонкуяри сифатидаги чиқишларини айтиб ўтди. Адибнинг қўшни давлатлардаги мухлислари, ҳамкасблари ҳақида сўз юритганда атоқли қозоқ адиби Мухтор Авезовнинг «Теп-текис саҳрода пайдо бўлган улкан тоғ» деган таърифини кел-тирди. Демак, Мухтор Авезов, Чингиз Айтма-товдек жаҳон ёзувчилари устоз дея ардоқлаган А.Қодирийнинг ёруғ сиймоси ҳар бир қалбда эзгулик нуруни, фахр-ифтихор туйғуларини жўштириши шубҳасиз.

Хайриддин Султонов таъкидлаганидек, ўзига



хос маънавий юксалиш байра-мида сўзга чиққан таниқли рас-сом Алишер Мирзаев, филология фанлари доктори, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Абдулла Қодирийнинг чевараси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Маҳзуна Қодирий, «Самарқанд дар-воза» маҳалласи раиси Абдубосит Мирасуловлар ҳам буюк адиб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, бугунги шукуҳли кунлар учун шун-дай улуг ишларга бош-қош бўлаётган давлати-миз раҳбарига миннатдорчилик билдиришди.

Тадбир қатнашчилари музей билан танишиш асосида ардоқли санъаткорларимизнинг мум-тоз куй-кўшиқларидан ҳам баҳраманд бўлишди.

Адабиётимизнинг ёрқин намоюдаси таваллу-дига бағишланган тантанали тадбирлар, таъкид-лаганимиздек, эски шаҳардаги Абдулла Қодирий мажмуасида, кейин эса Ўзбек миллий академик драма театрида давом этди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Прези-денти Шавкат Мирзиёев Абдулла Қодирий ижод мактаби, шу ерда жойлаштирилган «Ту-рон» кутубхонаси ва музей фаолияти билан та-нишиш жараёнида акс этган видеолавҳа на-мойиш этилди.

Адабий-бадий кечда ёзувчи ижодидан на-муналар, сахна асарларидан парчалар қўйилди. Ёзувчининг «Жиллар базми», «Ўткан кунлар», шунингдек, «Жулқунбой» спектаклидан парчалар намойиш томошабинлар томонидан олқишлар билан қутиб олинди. Таниқли санъаткорлар иж-росидаги мумтоз куй-кўшиқлар кўнгилларни сел қилди.

С.Рихсиева,

«Маданият» газетаси муҳбири

Орамиздаги одамлар



Касбга садоқат



Мусиқага меҳр қўйган қалбда ёмонликка ўрин қолмайди, дейишади.

Бунни умрини мусиқага ва талабаларга сабоқ беришга бағишлаган, соҳага оид қатор услубий қўлланмалар муаллифи Маъруфжон Юнусов ҳаётида яққол кўриш мумкин.

У Тошкентдаги Юнус Ражабий номидаги педа-гогика билим юрти, кейинчалик Фарғона Дав-лат университетининг мусиқа таълими бўлимида таҳсил олган. Маъруфжон устозларнинг тинимсиз меҳнати, талабчанлиги, ўзининг тиришқоқлиги туфайли мусиқа сирларини пухта ўрганди. Ўқиниш тамомлагач дастлаб тумандаги болалар боғчаларида мусиқа тарбиячиси, 4-умумтаълим мактабида мусиқа ўқитувчиси сифатида болалар-

га сабоқ берди. Изланиш ва тажрибалари асосида кўплаб услубий қўлланмалар яратди. Унинг «Юр-тим эркатойлари» (2013), унинг тўлдирилган ик-кинчи нашри (2017), «Топпишмоқ кўшиқлар» (2018), «Ўзбекистоним менинг», «Мева-сабзавотлар» каби китоблари ва кўшиқлари ёшлар томонидан яхши қабул қилинди.

Хозир санъаткор айни ижодий баркамоллик ёшида, десак муболага бўлмайди.

2013 йилда унинг «Ватан» кўшиғи «Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг вилоят босқичида 3-ўринни эгаллади. 2014 йили эса шу таловда «Онамсан, ватан» кўшиғи 2-ўринга лойиқ қўрилди. Мазкур танловнинг 2015 йилдаги вилоят босқичида «Ўзбегим – фахрим» кўшиғига 1-ўрин

берилди.

Бундан ташқари, унинг 30 дан ортик кўшиқбоп шеърлари вилоят рўзномаларида чоп этилган. Ўқини, ўрганиш, санъат сирларини эгаллаш Маъруфжонга катта обрў олиб келди. Ахир чекка бир қишлоқда туғилиб ўсган оддий ўзбек йигити етук санъаткор бўлиб, ўзбек санъати доврўгини таратса, ким ҳам қувонмайди дейсиз?! 2019 йил апрель ойида унинг китоблари тақдироти бўлиб ўтди. ФДПУ профессори, Ўзбекистон халқ арти-сти Султонали Маннопов Маъруфжон Юнусовга Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар ую-маси Фарғона вилоят бўлими аъзолигига қабул қилинганини етказиб, аъзолик гувоҳномасини топширди. Маъруфжон Юнусов 2010 – 2019 йил-

гача Риштон педагогика ва иқтисодиёт коллежи-да мусиқа кафедраси мудири лавозимида фаоли-ят юритди. Айни вақтда эса Риштон туманидаги 24-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари. Бу-гунги кунда у ўзининг навбатдаги китобини нашр-га тайёрламоқда. Маъруфжон тўрт фарзанд ва ол-ти набиранинг бобоси. Қалби кўшиққа, умид ва эҳтиросга тўла Маъмуржон Юнусов бугун эл хиз-матига камарбаста, халқ дардини елкасида кўтара оладиган ва унга муносиб жавоб берадиган замон-дошларимиздан бири.

Риштон азалдан зукко шоирлар ва санъаткор-лар юрти ҳисобланади. Бу заминда етишиб чиққан кўплаб истеъдодли хонандалар ва созандалар қаторида Маъруфжон Юнусовнинг ҳам бўлиши киши қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Биз Авазбой қишлоғидан чиққан бу ажойиб санъаткор-га келгусида баркамоллик, орзу ниятларини рўёбга чиқаришда янги зафарлар тилаймиз.

Ҳамиджон Хожи Соҳқов,
Матбуот ва меҳнат фахрийси

Миллий гуруримиз

Маданият тилни севишдан бошланади

Негадир маданият тушунчасини она тили билан боғлаб кўрмаган эканман. Бугун шунга аҳд қилдим. Маълумки, маданиятли инсон кийиниши, юриш-туриши ва сўзлашиш одоби билан ажралиб туради. Бизнинг она тилимиз, миллий гуруримиз, шон-шарафимиздир. Кунги кеча ижтимоий тармоқда бир видеога кўзим тушди. Унда ватанимиз мадҳияси турли миллат ва элатлар томонидан ўзбек тилида қуйилганиди. Фахрланса арзирли ҳолат,

шундай эмасми?! Тилни севиш керак, боиси бизнинг она тилимиз давлат тили мақомини олган, гапирганда ҳам худди камбағалдек чет сўзларни қўшиб сўзлашга муҳтож бўлмаган лисондир. «Одамлар ўқишдан тўхташлари билан, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар» — деган эди Д.Дидро. Ҳар кун қилинган мутолаа бир кун албатта тилни севишга олиб келади. Тилни севиш инсон маданияти, маърифатли кишидир.

Япон миллатига хос бир ҳислат бор. Улар ёнида миллий тилида бир-икки оғиз нимадир десангиз, гурурланиб, хурсанд бўлишади. Чунки яна бир хорижлик улар тилини ўрганапти. Бундай ишлар бизнинг ҳам қўлимиздан келади. Бунинг учун шунчаки, тилни севиш кифоя. Мен жамиятимизда она тилимиз қадрини кўтаришга астойдил ҳаракат қилаётган кўплаб ёшларни биламан, бунга

Самарқанд шаҳридаги "Регистон" майдонида қилган саёҳатим давомида гувоҳ бўлганман. "Ассалому алайкум", "Раҳмат", "Хуш келибсиз", "Ўзбекистон", "Самарқанд"... сингари сўзларни чет элликлар тилидан эшитганимда япон халқи каби миллий гурур туйдим.

Муқаддас Сапиева, ўқитувчи

Афсонавий байрам



“Янги йилим — яхши йил”



Янги йил — сизу биз интиқиб кутадиган афсонавий байрам. Шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаган ямшил арча, зару шарларга бурканган хона, тунда кўчаларимизда ялғ ёнувчи ранго-ранг чироклар, болалар интиқ бўлиб кутувчи Қорбобо ва қорқиз, бозор расталари тўла меваю ширинликлар, кичкинтойлар учун қопчаларга жойланган Қорбобо совгалари...

2019 йилда муассасада амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳақида қисқача гапирди. Шунингдек, 2020 йил ҳам бутун жамоа учун жорий йил каби омадли ва зафарларга бой келишини тилаб, барчани байрам билан қутлади.

Концерт доирачиларнинг тантанавор чиқишлари билан бошланди.

Унда фортепиано, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижро, баян аккардион, дамли ва зарбли чолғулар, хор дирижёрлиги ҳамда рақс, анъанавий хонандалик бўлимлари ўқувчилари томонидан ўзбек ва жаҳон композиторларининг энг сара асарлари ижро этилди. Жумладан, кичик хор жамоаси томонидан қуйланган “В лесу родилась ёлочка” (Л.Бекман) кўшиғи, Абдуманнонова Мунаввархон ижросидаги Э.Григнинг “Домой” асари, рақс бўлими ўқувчиларининг “Дес-посито” замонавий рақси, Валижонов Нурилло ижросидаги “Салламно”, ўқитувчилар Гўзалхон Зоҳидова ҳамда Мукамалхон Аҳмаджоновалар ижросидаги А.Хачатуряннинг “Лезгинка”си томошабинларда илиқ таассурот

қолдирди.

Дастур давомида Ялмоғиз кампир, Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, театрлаштирилган томошалар йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Айниқса, залдаги ўқувчилар билан ноанъанавий тарзда ўтказилган қизиқарли ўйин шартлари концертни шоуга айлантириб юборди. Дастур бошловчиси мусика назарияси бўлими ўқитувчиси Гулҳаё Собирова кечанинг аъло даражада ўтиши учун бор ижодий имкониятларини ишга солди.

Концерт якунида тасвирий санъат бўлими томонидан ўтказилган “Янги йилга бағишланган энг яхши расмлар танлови”да голиб бўлган ўқувчиларга фахрий ёрлик ҳамда Қорбобо совгалари тортиқ этилди. Шунингдек, йил давомида эришган ютуқлари ва самарали меҳнатлари учун мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари ҳам раҳбарият томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Фаргона вилояти Риштон тумани 21-БСМС ходимлари

Маданий сафар

Халқ ижодиёти поезда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғи билан юртимизда санъат ва маданиятга янгича руҳда эътибор қаратилмоқда. 2019 йилнинг 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ташаббуси билан “Халқ ижодиёти” поездининг Наманган вилояти Поп туманига ташири бунинг яна бир исботидир. Бунда асосий меҳмонлар Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари Абдурайим Абдувахобов ҳамда Меҳриддин Раҳматов билан вилоят аҳли ўртасида ижодий учрашув ўтказилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори иловасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида маданият вазирининг тегишли бўлури ишлаб чиқилди. Унга кўра, Маданият вазирилик, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида “Халқ ижодиёти” поездининг ижодий сафарлари ташкил этилди. Жумладан, Маданият вазирилик Республика ва халқаро кўрик-танловлар голиблари, бадий хаваскорлик жамоалари, қизиқчи ва театр актёрлари, хонанда ва созандаларни кенг жалб этган ҳолда ижодий гуруҳ ташкил қилди. Улар 25 — 28 декабрь кунлари Наманган, Фаргона, Андижон вилоятларига ижодий сафарларга жўнаб кетишди.

Наманган вилояти аҳолиси, айниқса, ёшлар 25 декабрь куни Тошкентдан ташириб бу юрган меҳмонларнинг қизиқарли концерт томошаларини кўришга муяссар бўлишди.

Фаргоналиклар 26 декабрда, Андижон аҳли 27-28 декабрь кунлари “Халқ ижодиёти” поезди ижодий жамоасининг ранг-баранг чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Миллий телерадиокомпания мазкур “Халқ ижодиёти” поездининг ижодий сафарлари мазмунли ўтишида ҳомийлик асосида ҳамкорлик қилишмоқда.



Бегубор болалик

Қорбобога хат

Янги йил яқинлашмоқда. Буни совуқ кунлардан, оппоқ қор учқунлаганидан билдим. Дарахтлар, кўчалар, уйимиз, синфдошим Акмалнинг уйи, ҳамма жой қор билан қопланди.

Киш фасли менга жудаям ёқади. Чунки янги йил байрами шу фаслда нишонланади.

У мен учун энг яхши байрамлардан бири. Уйимизга Қорбобо, Қорқиз меҳмон бўлиб келади. Мактабимизда бўладиган “Янги йил” байрамини ҳам интиқлик билан кутаман. Ахир унда Зумрадой, Қиммат, Золушка, Қорбола, Ялмоғиз кампир каби эртақ қахрамонлари ҳам иштирок этади. Биз уларга ўзимиз ёдлаган шеърларни айтиб берамиз, улар эса бизга совғалар улашади.

Байрам яқинлашиши билан синглим иккаламиз Қорбобога хат ёзамиз. У бизни ҳар йили совгалари билан сийлайди. Ўтган йили хатимда ёганимдек, менга “Кичкина Шаҳзода” китобини совға қилганди.

Бу йил ҳам қорбобога чин дилдан мактуб ёздим.

“Ассалому алайкум, Қорбобо, яхши юрибсизми? Сизни жуда соғиндик. Мен бу йил ҳам ақлли қизча бўлдим. Шунинг учун сизга хат ёзиб, янги йил совғамни сўраялман. Лекин бу галгиси ўзим учун эмас. Менга ширинликлар, ўйинчоқлар, чиройли кўйлақчалар олиб келмасангиз ҳам майли. Сиздан илтимос, янги йилда дугонам Маликанинг дадаси уйига қайтиб келсин. У жудаям яхши қиз. Кўп китоблар ўқийди. Иккаламиз бирга мактабга борамиз. Маликанинг дадаси шу йил ёзда кетиб қолганди. Унинг айтшича, янги она топганмиш. Лекин Малика ўзининг онасини яхши кўради. Шоҳиста хола ҳам яхши аёл. Болаларини жуда яхши кўради. Худди менинг онамга ўхшаб. Дадаси кетиб қолгандан бери Малика роса хафа. Китоб ҳам ўқимай қўйди. Онаси билан бозорда савдо қилишга мажбур бўлди. Мен билан ўйнашга ҳам хоҳиши йўқ. Укалари ҳам жуда хафа. Шунинг учун, Қорбобожон, сиздан илтимос, янги йилда Маликанинг дадасини қайтаринг. Фақат буни мен сўраганимчи ҳеч кимга айтманг, хўпми?”

Бу хатимни ким ўқиса, уни ҳамма дадаларга етказсин, илтимос. Биз болаларга иккита она керакмас. Ўзимизнинг онамизни яхши кўраемиз. Бизни бу бахтдан айирманг!

Жасмина ИНОКОВА,
2-синф ўқувчиси



Маданий тадбир

“Кичкинтой”дан байрам совғаси



25 декабрь куни Жиззах вилояти Фориш туман маданият марказида фаолият олиб бораётган “Кичкинтой” халқ хаваскорлик қўғирчоқ театри жамоаси 1-умумтаълим мактабида бўлди. Маданият бўлими томонидан тасдиқланган тадбирлар режасига кўра, ўқувчиларни

Она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий маданиятимизни, маънавиятимизни ёшлар онгига синдириш ҳамда қўғирчоқ театрига бўлган қизиқишларини ошириш ва истеъдодларини юзага чиқариш мақсадида “Янги йил” байрами муносабати билан маданий тадбир таш-

кил этилди. Кеча давомида театр жамоаси томонидан “Янги йил саргузаштлари” номли театрлаштирилган эртақ томошаси ўқувчиларга намойиш этилди.

Ш.Дархонов, Фориш тумани маданият маркази мутахассиси



Янги йилимиз қутлуғ келсин

Хурматли дўстлар, азиз ҳамкасблар!

Сизларни юртимизга залворли қадамлар, эзгуликлар билан кириб келган янги – 2020 йил билан муборакбод этаман. Халқимизга яхши кайфият улашиши, ҳаётларига файз бағишлаши, эзгу ниятларига ҳамкор-ҳамқадам бўлиши мақсадидаги заҳматли меҳнатингиз қалбларга қувонч, кўтаринкилик бахш этаверсин!



Мирза Азизов, Муқимий номидаги муסיқали драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти

Театримиз жамоаси номидан барча ҳамюртларимизни яна бир бор чин дилдан қутлаб, ҳар бирининг хонадон яхшилик ва эзгуликларга тўлишини, орзулари рўёбга чиқишини, тану жони соғ, оиласи тинч, қут-барақали бўлишини тилаймиз. Ҳар бир соҳадаги улкан юксалишларимиз бардавом бўлсин!



Миллий танлов

Андижонда “Йил аёли”

28 декабрь куни Андижон вилояти Ёшлар ижодий марказида Андижон вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Йил аёли» миллий танловнинг тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Андижон вилояти маданият бошқармасининг жонқуяр бошлиғи Марҳаб Сатторовани «Йилнинг ижодкор аёли» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.



Шу муносабат билан Марҳаб Сатторовани муборакбод этамиз!!!

Бухоро 2020 йилда



Ислом олами маданияти пойтахти



Ислом ҳамкорлик ташкилоти АЙСЕКО томонидан 2020 йил Бухоро – Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Яқин кунларда Ўзбекистон Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев расмий ташриф билан Тунис Республикасида бўлиб, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг 11-конференциясида иштирок этди. 17 – 19 декабрь кунлари ўтказилган қатор тадбирлар доирасида маданият соҳасида ўзаро тажрибалар алмашилди. Унда 2019 йилда Тунис давлати Ислом маданияти пойтахти сифатида ёпилиш маросими бўлиб, Бухоро 2020 йилда Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилингани муносабати билан режалаштирилаган тадбирлар муҳокама этилди.

АЙСЕКО – 1979 йил май ойида Ислом конференцияси ташкилоти томонидан, Ислом бирдамлигини таъминлаш ва унга қақриш, шунингдек, ислом динига долзарб ва замонавий шакл бериш мақсадида тузилган. Ташкилот вакили, профессор Саид Камалев сўзларига кўра, АЙСЕКО ЮНЕСКО нинг

мусулмонча аналогидир. Унинг бош қароргоҳи Работ (Марокаш) шаҳрида жойлашган. Айни пайтда ИХТ нинг 57 давлатидан 54 таси АЙСЕКО аъзоси ҳисобланиб, 3 таси кузатувчи мақомидадир. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳам ташкилот аъзосига айланган.

21 декабрь куни “Ислом дунёсида замонавий маданий сиёсатни ривожлантириш йўлида” мавзусида маданият вазирларининг 11-Исломий конференцияси ўтказилди. Унда Ислом дунёсида маданиятни ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг 17-Йиғилиши якуний ҳисоботи, АЙСЕКО конференциясининг 10- ва 11-сессиялари орасидаги маданият соҳасидаги ютуқлари тўғрисида ҳисобот, Ислом дунёси мероси қўмитаси ҳисоботи, “Рақамли инновацион маданият қўлланмаси лойиҳаси: истиқбол ва муаммолар”, маданий лойиҳаларни параллель молиялаштириш манбалари бўйича амалий тақлифлар, Туниснинг “Ислом дунёсида замонавий сиёсатни ривожлантириш йўлида” декларацияси лойиҳаси ва хорижий давлатларнинг маданият

соҳасидаги ютуқлари борасида масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни АЙСЕКО томонидан Тунис давлатида 2020 йил Бухоро Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасига рамзий байроқ топширилди. Яъни эстафета расмий равишда Тунис давлатидан Ўзбекистонга ўтди.

2020 йил Бухоронинг Ислом олами маданияти пойтахти сифатида тан олинishi, юртимизда тинчлик ва оқилоллик ҳукми сураётгани, шу билан бирга, 130 дан ортиқ миллат бирдаму ҳамжиҳатликда яшаётгани, дарҳақиқат, Ўзбекистон тинч давлат эканидан далолатдир. Қўп миллатли, осмони мусавфо юртимизга юзлаб давлат вакилларининг ташриф буюриши, шунингдек, байрамлар байрамларга уланиши хорижликларни ўзига тобора ром этмоқда.

Маъмураҳон Алишерхўжаева, Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси



Учрашув ва келишув

Туркияга маданий сафар

2019 йил 2 – 14 декабрь кунлари Тошкент вилояти Маданият бошқармаси ва тизим ташкилотлари ходимлари Туркия Республикасининг Истанбул шаҳар Маданият ва туризм юқори бошқармаси (Istanbul Valiligi Kultur ve Turizm il mudurlugu) раҳбарияти тақлифи билан хизмат сафарига бўлиб қайтди.

Дастлабки ижодий гуруҳ 2 – 6 декабрь кунлари Туркия Республикаси ҳукумати ҳамда Ёшлар ва спорт вазирилик томонидан ташкил этилган “III Туркий мамлакатлар ёшлари фестивали” да қатнашиб, тадбирда ўзбек миллий куй-кўшиқлари ва рақс санъатини намойиш этишди. Бундан ташқари, 8 – 14 декабрь кунлари Тошкент вилояти Маданият бошқармаси ҳамда тизим ташкилотларидан шакллантирилган бир гуруҳ Маданият ходимлари Истанбул шаҳар Маданият ва туризм юқори бошқармаси (Istanbul Valiligi Kultur ve Turizm il mudurlugu) раҳбарияти тақлифига кўра, учрашув ва келишувлар, маданий тадбирлар, маҳорат дарслари ҳамда малака ошириш курсларида иштирок этди.

Ушбу хизмат сафари давомида Тошкент вилояти гуруҳи Истанбул буюк шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги “ALI EMIRI EFENDI” Маданият марказига ташриф буюриб, уларнинг бугунги кундаги фаолияти билан яқиндан танишди.

Шундан сўнг, Туркия Республикаси ёшлар ва спорт вазирилик тасарруфидаги “VEFA” ёшлар Маданият марказида тажриба алмашиш жараёнлари бўлиб ўтди. Истанбул шаҳрида жойлашган энг йирик муסיқа мактабларидан бири – “ISMEK” – дунёга машҳур таълим даргоҳларидан бири. Гуруҳ аъзолари ушбу мактабга ҳам ташриф буюриб, унинг фаолияти ва йўналишлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, ўқитувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашилиб, маҳорат дарслари ўтказилди.

Сафар якунига кўра, Тошкент вилояти Маданият бошқармаси ва Истанбул шаҳар Маданият ва туризм юқори бошқармаси (Istanbul Valiligi Kultur ve Turizm il mudurlugu) раҳбарияти билан истиқболдаги режалар ва ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида мулоқотлар ўтказилиб, икки томонлама маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Республика танлови ғолиби

“Муножот”ни куйлаб



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамда Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида “Бастакорлар ўртасида – мақом йўлларида яратилган энг яхши асарлар” республика кўрик-танловида Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, 50 йил-

дан ортиқ ёшларга санъат сирларидан сабоқ бериб келётган устоз Раҳматилла Иноятов III даражали диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Устоз бу совринга мақом йўлида яратилган шошмақомнинг мушкулот қисмида “Гардуни дугоҳ” мақомига бастакор Имомжон Икромов басталган “Муножот” куйига Ҳилолий ғазали,

Самандар Воҳидов таржимасида яратилган асар ижроси учун сазовор бўлди. Шунингдек, Бухоро вилояти телерадиокомпанияси ташаббуси билан танлови ғолиби Раҳматилла Иноятов ҳақида “Ассалом Бухоро” дастурида махсус кўрсатув тайёрлаб эфирга узатилди.

Анджон кўғирчоқ театрида



Шум бола Янги йилда

16 декабрдан Анджон вилояти кўғирчоқ театрида “Жуманжи: Шум боланинг янги йил саргузаштлари” номли эртақ томошаси премьераси ўтказилмоқда. Спектакль болажонлар томонидан жуда катта ҳаяжон ва олқишлар билан кутиб олинди. Асар муаллифи М.Рўзиев, саҳналаштирувчи режиссёр Дилмурод Шайхов, расом Альфия Жабборова.

Бу йилги томошада театрнинг бир гуруҳ ёш актёрлари билан бирга устозлар қатнашди. Спектакль миллатлараро дўстлик, аҳиллик ва бир нечта ижобий туйғуларни тарғиб этади. Унда барчага маълум чет эл эртаги қаҳрамонларидан бири бўлмиш янги йил ўғриси Гринч байрамни ўғирлаш учун келади. Миллий қаҳрамонимиз Шум бола ҳамда сичқонча Жерри унга тўсқинлик қилади. Воқеалар етакчиси – Жуманжи ўйин орқали турли давлат-

ларга бориб, у ерда дўстлар орттиради. Саҳнада ўзига хос характерга эга қаҳрамонлар пайдо бўлиб, болажонларни қувонтиради. Дўстлик, иноқлик устун келиб, Гринч янги йилни ўғирлай олмайди. Асар сўнггида Анджон полкаси янграб, ҳамма рақсга чорланади.

Гринч образини театрнинг маҳоратли актрисаси Мавлуда Парпиева ишонарли тарзда ижро этди. Шум болани эса янги, ёш актёрларимиздан Омаджон Жалололиддинов мохирона жонлантира олди. Том билан Жерри ролларини Нигора Казакова ҳамда Баҳодир Мухторовлар ижро этишди. Айниқса, болажонларимиз томонидан катта хайрат ва қизиқиш билан кутиб олинаётган Кун-фу Панда (Кибриё Камолова), Қирол Жулиан (Ақром Маждидов) образлари спектаклнинг янада жонланишига ҳисса қўшмоқда. Саида-

мирхон Латипов, Муҳаммаддиёр Олимов, Гулрухсор Раимкулова каби истеъдодли актёр ва актрисаларимиз эса янги йил томошасида қатнашиб, ўзларига юклатилган вазифаларни аъло даражада уदдалашмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида саҳнага театр томонидан ташкил қилинган тўғрақ аъзолари – жажжи болажонларимиз ҳам олиб чиқилди. Кечада “Қор ёғар” кўшигини ижро этган Озодбек Мирзажонов ҳамда Шаҳризода Мирзажоновалар томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Театр жамоаси томонидан туҳфа этилган “Жуманжи” спектакли 2020 йилнинг 10 январига қадар болажонлар ҳукмига ҳавола этилади.

Мансурбек Рўзиев,
Театрнинг бадий бўлим мудири

Наманганда байрам тантаналари



Болаларга “Президент совғаси” топширилди

Наманган вилояти мусиқали драма театрида “Президент арчаси” байрам тантаналари бўлиб ўтди. Юскак кўтаринкилик билан ташкил этилган шодиёнага Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ихтимой химояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари тақдиф этилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров барча шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган болажонларни Янги йил байрамини билан муборакбод этиб, уларга эзгу тилаклар билдирди. Жамоатчилик вакиллари иштирокида болаларга “Президент совғаси” топширилди.

Шунингдек, болажонлар учун мусиқали драма театри саҳнасида бетакрор томошалар, “Янги йил эртаги” номли театрлаштирилган байрам дастури намойиш этилди.

Анджон вилояти маданият бошқармаси

Азиз юртдошларимизни ўлкамизга қутлуғ қадамлар билан кириб келган 2020 йил билан самимий табриқлайди. Янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги шарафли ва масъулиятли ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!
Марҳабо Сатторова,
Бошқарма бошлиғи

Янги йил эртаги

“Тўғривойнинг саргузаштлари”



Фарғона вилоят ҳокимининг 2019 йил 8 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 октябрдаги “Президент арчаси” тадбирини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этиш тўғрисида” ги ҳамда шаҳар ҳокимлигининг йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш мақсадида 21-24-25-27 декабрь кунлари Куvasой шаҳар маданият бўлими тасарруфидаги марказий маданият марказида Янги йил муносабати билан “Янги йил эртаги” ва “Тўғривойнинг саргузаштлари” номли байрам тадбирлари ўтказилди. Кечада шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, маданият бўлими тасарруфидаги маданият марказларида фаолият олиб бораётган бадий ҳаваскорлик жамоалари ва тўғрақлар қатнашчилари ҳамда уларнинг ота-оналари фаол иштирок этишди.

Байрам дастурида болажонлар учун маданият марказларида фаолият олиб бораётган тўғрақ қатнашчилари ва марказ ишчи-ҳодимларидан таркиб топган эртақ қаҳрамонларидан Тўғривой, бўри, тулки, Алибобо, қароқчи, Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз кампир, Қор маликаси кабилар иштирокидаги байрам томошаси намойиш этилди. Тадбирда “Дилнаво” оилавий кўшиқчилик жамоаси куй-кўшиқлари, “Шодлик” ва “Юлдузча” болалар ашула ва рақс жамоалари ижросидаги “Қор парчалари”, “Оппоқ қуён”, “Ҳиндча”, “Хафа на-на” кўшиқлари асосидаги саҳнавий парчалар йиғилганларга байрамонга кайфият, завқ-шавқ улашди.

Тўрт кун давом этган байрам томошаси давомида 1200 нафарга яқин умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, маданият марказларида фаолият олиб бораётган бадий ҳаваскорлик жамоалари ва тўғрақлар қатнашчилари ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

А.Комилов,
Маркази маданият маркази бадий раҳбари

Тарихий безак

Бодхисатва ва гул кўтарган аёл

Ушбу безак милодий I-II асрларга оид бўлиб, Чингизтепа ёдгорлигидан топилган. Оқактошдан ўйиб ишланган. Ҳаҷми: 35.5x25.5x10.5 Инв рақами: 34313




Кўчма тренинг ва минтақавий семинар

Маданият марказлари фаолиятини ташкил этиш

"Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни, аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришдан бошлашимиз лозим"

Шавкат Мирзиёев



Назм ва наво



Оҳанглар сеҳри

Оҳанг ва мусиқа инсон руҳиятига хуш ёқади, чунки одамзоднинг яралиши куй билан боғлиқ. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳар ойнинг охири пайшанбасида "Анъанавий мақом кечаси" ўтказилмоқда. Навбатдаги кеча ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. "Миллий кўшиқчилик" кафедраси мудири Миршод Элов бошчилигида "Назм ва наво" номли концерт дастури тақдим этилди.



Мақом кечасида "Сайқал" созандалар ансамбли жамоаси бетакрор куйларни чалишди. Ҳўкувчи Нигора Арзимуродованинг Фурқат ғазали билан "Фифон", Баҳодир Сайидов "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонидан "Санамнинг", Миршод Элов Хувайдо ғазалига бастанган "На қилдим", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комил Мирзаев ғижжақ созида "Хумор", Бекзод Мирҳалилов ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий ғазали билан "Қоши ёсунму дейин", доцент Мансур Мамиров Амирий муҳаммасига бастанган "Бебоқча", Гулшан Умарова шор Мамаரசул Бобоев шеърига ёзилган "Билмадинг", Ўзбекистон халқ ҳофиз Оролмирзо Сафаров "Висолингга", Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўмин шеърига бастанган "Мен севаман, сен севаманму?" сингари бетакрор жонли ижролари йиғилганларни хушнуд этди.

Тадбир якунида институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев "Назм ва наво" номли анъанавий мақом кечасининг кўтаринки руҳда ўтказилиши ўзбек миллий мусиқа меросини асраш ва келажак ёш авлодга етказиш йўлидаги улкан вазифалардан бири эканини фахр билан таъкидлади. Ҳўкув йили бошидан буён ҳар ойда ўтказилаётган жонли концерт саноксиз муҳлисларни топиб, барчага манзур бўлмоқда. Ижодкорларга омад тилаймиз!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Матбуот хизмати

Сўнгги йилларда юртимиз тараққиётида моҳиятан янги давр бошланди. Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар маданият ва санъат соҳасида ҳам туб бурилишлар ясади.

Ўтган давр ичида бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида муҳтарам Президентимиз томонидан 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур тарихий ҳужжатларда соҳадаги стратегик масалаларни ҳал этиш, камчилик ва муаммоларни бартраф қилиш вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида Тошкент вилояти Бўка туман маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги мутасаддилари, маданият марказлари ходимлари Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилояти маданият марказлари раҳбарлари иштирокида "Маданият марказлари фаолиятини ташкил этиш" мавзусида кўчма тренинг ва минтақавий семинар ўтказилди.

Бундан қўзланган асосий мақсад "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси"га мувофиқ 2019-2020 йилларда маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлашдир.

Конференция доирасида "Маданият марказлари фаолиятини ташкил этишда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш", "Номоддий маданий мерос маҳаллий рўйхатига номзоднома тавсия этиш тартиби" "Маданият марказларида "Халқ ҳаваскорлик жамоалари" ва "Намунали ҳаваскорлик жамоаси" унвонига бадий ҳаваскорлик жамоаларини тавсия этиш", "Маданият марказларида маданий тадбирларни режалаштириш ва ташкил этиш" каби мавзуларда Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директор ўринбосарлари Қ.Амонқулов, В.Ўрозматов, марказ бўлим бошлиғи

Бодхисатва ва гул кўтарган аёл тасвири туширилган меъморий безак 2012 йил Ўзбек-француз кўшма археологик экспедицияси вақтида Термиз археология музейи катта илмий ходими, археолог, Т.Аннаев (т.ф.н.) томонидан топилган. Мазкур санъат асариди Бодхисатва ва унинг олдидаги гул кўтарган аёл узун либосда, сочла-

ри ҳам узун кўринишда тасвирланган. Бодхисатванинг чап қўли бегила қўйилган, аёлнинг бошига эса ёпинчиқ ёпилган ҳолатда акс эттирилган. Бодхисатванинг ўнг томони ер қатлами устки тарафида бўлгани учун емирилиб силлиқ ҳолатга келиб қолган. Аммо археологик топилма тўлиқ, шунингдек, сақланиш ҳолати ҳам яхши.

Х.Рўзиев, Тошкент вилояти Ангреш шаҳар маданият бўлими бошлиғи Ш.Миржалиловлар томонидан маърузалар ўқилди.

Дастурда маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани яратиш, ушбу соҳадаги институционал тизимини ва маданият муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш асосий вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, маданият марказлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва унинг мазмундорлигини ошириш, маданият марказларининг намунавий штат жадвалларини қайта кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, маданият марказларидаги бадий ҳаваскорлик жамоаларининг репертуар режаларини тақдирли кўриб чиқиш, уларни янги асар ва тўпламлар билан таъминлаш ҳамда молиялаштириш тизимини яхшилаш, ҳар бир маданият марказларида кутубхона ва ўқув залларини ташкил этиш, уларнинг китоб фондларини шакллантириш ҳамда янги адабиётлар билан мунтазам таъминлаб бориш каби вазифалар ўрин олган.

Шу билан бирга маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда энг намунали бадий ҳаваскорлик жамоаларининг ҳудудларга хос урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган дастурларини шакллантириш асосида қўшни давлатларга гастроль-концерт сафарларини ташкил этиш ҳамда халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда улар иштирокини таъминлаш, маданият марказларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустақамлаш борасида чекка ва олис тоғли ҳудудлардаги аҳолига маданий хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида махсус мусиқий техник ускуналар билан жиҳозланган "Автоклуб" транспорт воситасини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият маблағлари ҳисобидан сотиб олишни ҳал этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

– Бугунги кунда республикамызда 822 та маданият маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Концепцияга биноан, 2019-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 26 та маданият маркази янгидан қурилади,

45 таси реконструкция қилинади ва 76 таси капитал таъмирланади. Дастур асосида уч йилда 147 та маданият маркази зарур воситалар билан тўлиқ таъминланган ўзининг замонавий биносига эга бўлади – дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори, профессор Азамат Ҳайдаров. – Янги 2020 йил иш режамизни жуда пухта ва аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ишлаб чиқишимиз ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда маданият марказларининг фаол иштирокини таъминлашга эришимиз зарур.

"Маданият марказлари фаолиятини ташкил этиш" мавзусидаги кўчма тренинг ва минтақавий семинарнинг ташкил этилиши ва унда кўтарилган асосий масалалар ҳам марказлар фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Мазкур семинардан "Маданият марказлари фаолиятини ташкил этишда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш", "Номоддий маданий мерос маҳаллий рўйхатига номзоднома тавсия этиш тартиби", "Маданият марказларида "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" ва "Болалар намунали жамоаси" унвонига бадий ҳаваскорлик жамоаларини тавсия этиш", "Маданият марказларида маданий тадбирларни режалаштириш ва ташкил этиш" каби маърузалар ўрин олган.

Шу билан бирга маданият марказлари раҳбарларининг марказлар фаолиятини ташкил этишга доир фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда маърузалар юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди. Семинар якунида Тошкент вилояти Бўка тумани маданият маркази фаолиятини билан танишилди, шунингдек, энг намунали бадий ҳаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Нилуфар КАРИМОВА,
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази Адабиётлар, илмий-методик ўқув қўлланмалар нашр этиш бўлими мудири

» Байрам тадбири

“Президент арчаси”



29 декабрь куни Форш тумани маданият бўлими янги йил байрамини муносиб кутиб олиш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида тумандаги иқтидорли ўқувчилар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ҳар йили анъанавий тарзда нишонланадиган “Президент арчаси” байрам тадбири ва янги йил томошалари 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилди.

ат мактабида ўтказилди.

Тадбирни туман ҳоқими А.Мустанов табрик сўзи билан очиб, болажонларга Қорбобо ва Қорқиз ҳамроҳлигида “Президент совғаси”ни топширди.

Шундан сўнг маданият маркази қошидаги “Кичкинтой” халқ ҳаваскорлик кўғирчоқ театри, Қорбобо ва Қорқиз, шунингдек, турли эртак қаҳрамонлари

иштирокида “Биздан олис ўрмонда” номли театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Янги йил байрамига бағишланган томошалар барчага завқу шавқ улашди.

Ш.Қўнишев,
бўлим бош
мутахассиси

» Келажакка пойдевор

Ёш олимнинг ютуқлари

Илим ва маърифат – бунёдкор келажак пойдевори! Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони асосида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кундан-кунга институт профессор-ўқитувчиларининг илмий даражасини ошириш, илмий-тадқиқот ишларини халқаро доирага кўтариш, хорижий тилларни ўрганиш, санъат ва маданият таълими соҳаларида дунё эътироф этган етакчи илмий-электрон платформаларда мақола чоп этиш ҳамда ривожланган мамлакатлар таълим стандартлари методикаларини қўллаш борасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ортиб бораётган.

“Педагогика ва психологияси” кафедраси ўқитувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ойбек Давлатов Халқаро “Scopus” платформасининг International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) электрон журналида долзарб мавзудаги “Development of Information Security Competency in Students” номли мақоласини чоп этди.

» Танлов

“Ёшлик завқи” ва “Оҳанг сеҳри”



26 декабрь куни Жиззах шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида вилоят Маданият бошқармаси тизимидаги ихтисослаштирилган санъат мактаби ва 15 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида “Ёшлик завқи” миллий рақслар ҳамда “Оҳанг сеҳри” миллий эстрада ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирни маданият бошқармаси бошлиғи К.Фарҳодов очиб берди ва барча иштирокчиларга омад тилади. Танловда ҳар бир қатнашчи ҳакамлар томонидан ҳақоний баҳолалиб, 1-2-3-ўринни олганлар диплом ва сздалик совғалари, фаоллар эса фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Кечда меҳмон сифатида Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 3-, 23-, 5-, 6-умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

» Муносиб шогирдлар



Самарқанд вилояти Нуробод тумани азалдан бахши-шоирлар масканидир. Бу мактабнинг энг ёрқин вакилларидан бири, Исломо шоир Назар ўғлининг шогирди Мамай бахшидир. Ҳозирда унинг ўғли ва ижодий анъаналари давомчиси – Сайим бахши Эргашов ота йўлини давом эттириб келмоқда.

Сайим бахши Эргашов 1966 йил Самарқанд вилояти Нарпай тумани Тим қишлоғида уста-дурдор оиласида дунёга келган. У иқтисодий ноҳорлик туфайли отасининг ёнида ишлашга мажбур бўлади. Мамай бахшининг 8 нафар фарзанди бўлиб, шундан бешинчи фарзанди – Сайим ота изидан бориб, думбирани қўлига олади ва ёшлиқидан бахшичилик билан шугуллана бошлайди. У 12 ёшидан мустақил равишда терма ва ўланлар куйлайди. Сўнг қишлоқ, овуллари ке-

“Бахшиси бор элнинг бахти бор”

зиб, кейинчалик туман, вилоят ва бошқа қўшни худудларда дostonлардан парчалар куйлаб, ўзи тўқиган лапар ва ўланлари билан халқ оғзига тушади.

У 2010 – 2012 йилларда маданият уйи директори, тўғарақ раҳбари лавозимларида ишлади. 2019 йилдан Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси ижросига муносиб ҳисса қўшиш ниятида 5-Тим маданият марказида “Бахшичилик” тўғарагини ташкил этиб, ёшларга анъанавий санъат сирларини ўргата бошлади.

Унинг падали бузруквори Мамай бахши Эргашов 1931 йил 25 апрелда Самарқанд вилоят Нарпай тумани Тим қишлоғида туғилган. Унинг устози Исломо шоир Назар ўғли Нарпай бахшичилик мактабининг вакиллари билан бири эди. Мамай бахши Исломо шоирдан халқ термалари, дostonларини ёд айтиб, думбирда юз оҳангда чалиш сирларини ўрганган. Исломо шоир билан бирга саҳналарда, тўй-томошаларда, дostonхонлик кечаларида, чўпон отарида тонтга қадар терма ва дostonлар ижро этишган.

Мамай бахши Республика бахши-шоирлар кўрик-танловида иштирок этиб, бир неча бор фахрий II ва III ўринларни қўлга киритиб, қимматбахо совға-саломлар, фахрий ёрлик ҳамда дипломлар билан тақдирланган. Унинг қўлёзма китобларидан “Бахшиси бор элнинг – бахти бор”, “Ойсулув” “Нурбулоқ навалари” номли дostonлари бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги А.С.Пушкин номидаги кутубхонада сақланмоқда. Дostonларининг ҳар бири 350 саҳифадан иборат.

Нуробод туманида Сайим бахши Эргашовнинг шогирдлари талайгина. Унга жўравоз бахши-шоир Шавкат Бобомуродов ҳамда Абдуалим Бекмуродовлар ҳам ўз дoston ва лапарлари билан эл олқишига сазовор бўлишмоқда. Улар 5 – 15 апрель кунлари Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Бахшилар” халқаро фестивалида фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди ҳамда махсус диплом билан тақдирланди.

Ҳозирда Сайим бахши Эргашов 8 нафар шогирдида бахшичилик сир-асрорларидан сабоқ бериб келмоқда.

» Фольклор ва этнография

“Баҳора” – ҳамон фаол



Бу халқ фольклор-этнографик жамоасининг ташкил этилганига қарийб 10 йил бўлди. Шу йиллар давомида жамоа кўплаб дастурлар яратиб, халқ хизматида юрди. Мазкур меҳнатлар кадрлиб, Маданият вазирлиги “Халқ жамоаси” унвони билан тақдирлади. Бундан руҳланган жамоа янада янги ва қизиқарли дастурлар устида ишлади. 2019 йилда самарали меҳнат “ҳосил берди”: “Кўрпа қавиш”, “Кампир ўлди” ва “Келин ўтирмапти” каби маросимлар саҳналаштирилиб, “Баҳор тароналари” кўрик-танловида иштирок этишга йўл очилди. Шунингдек “Вилоят бадийи-ҳаваскорлик жамоалари кўрик-танлови”нинг вилоят босқичига “Кетмон топшириш” маросими олиб чиқилди.

“Баҳора” жамоаси аждодларимиздан ўтиб келатган халқ озаки ижоди қўшиқларини тўплаб, сайқаллаб, бир неча дастурлар тайёрлашди ва уларни рақслар билан бойитиб, “Наврўз”, “Мустақиллик” байрамларида катта саҳналарда намойиш этди. Шу билан бирга вилоят миқёсида ўтказилган фестивалларда ҳам фаол қатнашиб, эл олқишига сазовор бўлди.

Жамоа кўрик-танлов ва тадбирларда ўланларни ҳам маҳорат билан ижро этмоқда. Бону Азизова ва Рустам Ғофуровлар томонидан айтилган ўланлар барчанинг қалбига бирдай кириб бормоқда. Шунингдек, Мехринисо Холмуродова, Абдувахоб Ҳакимов, Саида Қўлдошева, Шухрат Жозилов, Шухрат Аралов, Сардор Алиев, Гулҷеҳра Ражабова, Рўқия Назарова, Ғофур Нарзуллаев, Дилшод Бойжигитов, Алишер Азизовлар жамоанинг фаол аъзолари.

“Баҳора” Зомин туманида бўлиб ўтган “Қадриятлар қадрланган юрт” фестивалида ҳам фаол қатнашди. Яна Жиззах шаҳрининг “Ёшлар шаҳарчаси”да ташкиллаштирилган “Маданият фестивали”да ҳам ўз чикиллари билан иштирок этди.

Улар пахта йигим-теримида келган ҳашарчилар учун ўтказилган “Хорманг, пахтакорлар” шиори остидаги маданий дам олиш концертида ҳам ўз дастурларини намойиш қилишди. Пахтакорлар улар билан рақса тушиб, мароқли дам олишди.

Жамоа Жиззах вилоят маданият бошқармаси буйруғига кўра, 2019 йил давомида тайёрлаган дастурлари асосида 22 ноябрь куни ҳисобот концертини муваффақиятли ўтказди.

“Баҳора” халқ фольклор-этнографик ансамбли ижодий изланишларини давом эттирмоқда.

» Олтин мерос

Олотнинг ўзига хос маданияти



26 декабрь куни Бухоро вилоят маданият бошқармаси ва "Олтин мерос" Халқаро жамғармаси ҳамкорлигида Олот тумани маданият бўлими томонидан 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Олотнинг ўзига хос номоддий маданий мероси туркумлари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Уни вилоят маданият бошқармаси мутахассиси Фаррух Шаропов очиб берди. Семинар мавзуси доирасида тушунтиришлар олиб борилиб, керакли маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, турли сахнавий чиқишлар, куй-кўшиқлар ва рақслар ижро этилиб, қатнашчиларга кўтаринки кайфият улашди.



» Ёшлар байрами

Янги йилда янги ютуқлар



26 декабрь куни Вобкент туман 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Янги йилда янги ютуқлар" деб номланган Янги йил байрами ташкил этилди. Тадбирда мусиқа мактаби ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирокида турли хил сахна кўринишлари ҳамда кўшиқлар қуйланди. Кеча сўнгида мактаб директори Камолиддин Тоиров томонидан болаларга байрам совғалари улашилди. Тантананада 350 дан зиёд ёшлар қатнашди.

» Мусиқали эртак томошалари

"Янги йил саргузаштлари"



19 декабрдан Ўзбекистон давлат филармонияси Навоий вилоят бўлинмаси қошида ташкил этилган "Ёшлар" театр студияси томонидан Маданият бошқармаси концерт залида "Янги йил саргузаштлари" номли мусиқали эртак томошалари шаҳар мактаб ўқувчилари учун намойиш этилмоқда.

Турли сахнавий чиқишлар ёшлар томонидан муносиб кутиб олиниб, уларга байрам кайфиятини улашмоқда.

» Тарихий ҳақиқат



Бухоро амирларининг хориждаги бунёдкорлиги

Бухоронинг сўнги амирлари қурдирган иншоотлар, сарой ва масжидлар ўз даврида маҳоратли усталар томонидан пухта ўйланган лойиҳалар асосида шарқона, мавритан, араб каби бир қатор услубларни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган. Қизиги, улар ҳалигача ўз кўрку тароватини йўқотмаган.

Бухоро амира Саййид Баҳоидр Абдулаҳдхон 1885 – 1910 йиллар мобайнида Петербург, Москва ва Қрим шаҳарларига кўп бор сайру саёҳат қилади. Амир Ялта, Кисловодск, Пятигорск, Железноводск, Оренбург, Красноводск, Астрахань каби энг баҳаво, маъданли сувларга бой шаҳарларда қароргоҳларини тиклайди. Архив манбаларида амир Макка ва Мадинада меҳмонхона, таъя, хонақоҳ, работ, ховли, уй-жой, савдо дўконлари, мадраса-ю, масжидлар қурилишига ҳомийлик қилгани қайд этилган. XX аср бошларида Бухоро амирлигидан Мадина, Макка, Истанбул шаҳарларига вақф қилинган мулкларнинг умумий баҳоси 735000 олтин тангага тенг бўлган.

Маълумотларга кўра, Арабистоннинг Макка ва Мадина шаҳарларида шахсан амир Абдулаҳдхон томонидан ҳаж зиёратини адо этувчилар учун иккита меҳмонхона бунёд этилган. Маккада у қурдирган меҳмонхона шаҳарнинг Шомил кўчасида, Мадинадагиси эса Бобил масжид кўчасида жойлашган. Бундан ташқари, ўз даврида Чор Россияси подшолари ишончига кирган Абдулаҳдхон рус ҳукмдорларидан бепоен худуднинг турли шаҳарларида мусулмон бинолари ва иншоотларини қуришга рухсат олган. Бунга яққол мисол сифатида амирнинг Россия империяси пойтахти Санкт-Петербургда мусулмонлар намозларини адо этишлари учун қурдирган масжидини айтиш мумкин.

1881 йил Россия императори Александр III (1881 – 1894)нинг монархлик тахтига ўтказиш маросимига таширф буюрган амир Музаффархон ўғли Абдулаҳдхон масжид қуриш учун

императордан рухсат сўрайди. Аммо баъзи сабабларга кўра бу тақлиф жавобсиз қолади. Орадан 13 йил ўтиб (бу вақтда Абдулаҳдхон амирлик тахтини бошқараётган эди) жомеъ масжиди қурилишига ер ажратилади ва унинг лойиҳаси учун машҳур меъморлар орасида танлов ўтказилиб, ишлар саралаб олинади (1894). Кейинроқ таниқли меъмор Н.В.Васильев лойиҳаси асосида қурилиш ишлари бошлал буюрилади. Н.В.Васильевга С.С.Кричинский ва меъмор А.И.Фон Гогенлар ҳамроҳлик қилади. Масжид ушбу моҳир меъморлар бошчилигида мавритания, барокко, амбир ва араб усуллари уйғунлашган ҳолда бухоролик ва россиялик кўли гул усталар иштирокида барпо қилинади. Қурилиш ишлари 1914 йилгача давом этади. Масжиднинг марказий залига Бухоро амира томонидан 400 кв.м ўлчамли қўлда тўқилган қимматбаҳо гилам совға тариқасида буюрилади. Иншоотга ташқи томондан баландлиги 39 метрли гўмбаз ва унинг икки томонида баландлиги 48 метрдан иборат миноралар ўзгача кўрк ва салобат бағишлаган. Айни дамгача ушбу масжид Санкт-Петербург шаҳри мусулмон аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Орадан асрлар ўтган бўлса-да, бу масжид ўз кўрку салобатини йўқотмай, юртимиз тарихий маданияти ҳақида сўзлаётгандай.

Амир Абдулаҳдхоннинг Ялтадаги саройи эса Қора денгиздан икки қақирмон узокликда жойлашган баланд бир тепалик устида, уч қаватли бино сифатида қад кўтарган. Уни ҳашаматли ва чиройли қилиб қурдиришда хорижлик муҳандислар хизматидан фойдаланилган. Сарой лойиҳаси таниқли меъмор Н.Г.Тарасовга тегишли бўлиб, мавритания ва шарқона усулда барпо қилинган. Бухоролдан ўнлаб моҳир хунарманд усталар Ялта шаҳрига бориб, сарой безакларини шарқона услубда безаган. Ҳозирда ҳам амирнинг бу саройи жуда яхши ҳолатда сақланган.

Шимолий Кавказнинг Железноводск

шаҳрида Бухоро амирининг яна бир саройи мавжуд. Унча катта бўлмаган бу иншоот шарқона усулда барпо этилган бўлиб, атрофи араб услубидаги нақшларда безатилган темир панжара билан ўралган. Асосий кириш дарвозасининг икки томонига шер хайкаллари ўрнатилган. Бундан ташқари, саройни ташқи томондан мавритания услубидаги арка, юқори қисми ўткир бурчакли деразалар, оқ ва кўк рангдаги сирли сопол бўлакчалардан анъанавий мозаика, ўймакор қилиб пардозланган ёғоч тўсиқлар билан ўралган балкон безаб турибди. Саройга ўзгача пардоз бериш мақсадида, Бухоро ва Хоразмдан маҳоратли усталар олиб келинган. Қурилиш амир Абдулаҳдхон даврида бошланиб, унинг вафотидан сўнг иш ўғли амир Саид Олимхон даврида тугатилган ва у император оиласига совға тариқасида берилган.

Бухоро амира Абдулаҳдхон умрининг сўнги йилларида қурдирган Петербург шаҳридаги саройи ҳам ҳозирги кунгача сақланган қадимий иншоотлардан бири. Бу сарой қурилиши учун 1910 йилда ер ажратилиб, ишлар 1913-1914 йилларда тугатилган. Сарой амирнинг меросхўри Сайид Олимхонга бағишлаб қурилади. Амир Абдулаҳдхонга бу саройни кўриш насоб қилмайди. У 1910 йилда оғир хасталик туфайли вафот этади. Сарой таниқли меъмор С.С.Кричинский лойиҳаси асосида амбир услубида барпо этилган. Бинони олд томонидан айланма махсус услубда безатилган (рустованный) устунлар безаб турибди.

Бухоронинг сўнги амирлари томонидан шарқона ва гарбона услублар уйғунлигида қурилган ушбу иншоотлар ҳалигача сақланиб, аждодларимиз тарихий маданияти ҳақида сўзламоқда.

Зилола Ҳамидова,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
ходими

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган кўлэмалар қайтарилмайди ва эзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин.

«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8373 Буюртма - Г - 127
Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти - 16.00
Топширилди - 16.00
1 2 3 4 5 6